

Намоз — таваккулга ундайди



10:00 / 24.11.2021 1274

Таваккул — мусулмон кишининг ишини ирфон, қурбат ва ризоси талабида, фойда, зарар, қийинчилик ва зиёнларга таслим бўлиб, қазо-қадарга рози, неъматларга шукр ва балоларга сабр қилган ҳолда Аллоҳ таолога топшириши демакдир. (*«Сирож» китобида келган, 80-бет*).

Маълумки, барча ишлар — яхшилик, ризқ, илм ва фойданинг барчаси Аллоҳнинг измида. Биздан бунга эътимод қилишимиз, яъни таянишимиз талаб қилинган. Намоз бунинг амалга ошишида энг катта ёрдам берувчидир. Намоз кишини ҳақни қабул қилишга, фақат ва фақат ҳақ билан қаноат қилиб, унга рози бўлишга ундайди. Чунки, дунёдан дунё билан рози бўлган киши лаънатлангандир. Зухддан мақтов билан рози бўлган киши ҳақдан тўсилгандир. Ҳақдан ҳақ бўлмаган нима нарса билан рози бўлган киши тоғий, яъни золимдир. Огоҳ бўлинг, ҳақ бўлмаган нарсалардан огоҳ бўлинг! (*«Сирож» китобида келган, 65-бет*).

Таваккул нима эканини Аллоҳга бўлган ишонч ва Унга бўлган эътимод ифодалайди. У Зотнинг кишини оддий бир сабаб ўлароқ ризқлантириши бунга мисол бўла олади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **«Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдига — меҳробга кирганида унинг ҳузурда бир ризқ-насибани кўрарди»** (*Оли Имрон сураси 37-оят*).

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг ризқ ва қурбат ўртасини боғлаб келтиришига бир қаранг!

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Агар сиз Аллоҳга ҳақиқий маънода таваккул қилганингизда эди, албатта сизларни эрталаб оч чиқиб, кечга тўқ қайтадиган қуш сингари ризқлантирар эди» (*Муснади имом Аҳмад 1/323 ва Сунани Термизий 4/572*).

Бу ризқнинг кафолатланган эканига яна бир таъкиддир. Биз таваккулга буюрилганмиз, ризқ излашга эмас! Аллоҳ таоло айтади:

«Аҳли-умматингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг! Биз сиздан ризқ сўрамаймиз, (билъакс) Ўзимиз сизга ризқ берурмиз. Оқибат-жаннат — (аҳли) тақвоникидир» (*Тоҳа сураси 132-оят*).

Яъни, намозни бажо қилишга, мукаммал, гўзал ва бардавом адо қилишга ҳаракат қилинг. Вақтингиз ва ҳаётингизни фақат ризқ кетидан қувиш ва келажакни таъминлаш учун зое қилманг. Аллоҳ сизни ризқ талабида машаққат чекиб, бахтсиз бўлишингиз учун яратмаган. Дарҳақиқат, сизга намоз ўқишда бардавом бўлган чоғингиз ризқингизнинг кафолатини берган. Вақтики, сиз намознинг риоясини қилиб, уни адо қилар экансиз, ризқингиз кафолатлангандир. (*«Сиррун нажоҳ» китобида келган, 10-бет*).

Таваккул қилувчи киши Аллоҳ таолодан бошқа махлуқотларга ва дирҳам-у бойликларга эътимод қилишдан беҳожатдир. Аллоҳ таоло айтади:

«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир. Албатта Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига етгувчидир» (*Талоқ сураси 3-оят*). (*«Айюҳал валад» китобида келган, 63-бет*).

Бу неъмат билан ризқланганлар нақадар бахтли! Ундан маҳрум бўлганлар нақадар бахтсиз! Аллоҳ таолога хушў билан бўлган намозга етказганига шукр!

Шайх Салоҳ Абулҳож ҳафизаҳуллоҳнинг

«Қалбни суғорган ҳикмат зилоли» китобидан.

Абдуссами Хайруллоҳ таржимаси.